



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 4 декабр, шанба № 193 (1826)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БМТнинг Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси пойтахтимиздаги «Паноҳ шуъласи» кўзи оғиз ва заиф қўрадиган болалар марказига Брайл алифбосида ишлайдиган компютер, принтер ва сканерлар, босмахона, муסיкий студия жиҳозлари, видеокамера ва телевизорлар ҳада қилди.

Ўзбекистоннинг ЮНИСЕФ жамғармаси билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётир. Ўзаро ҳамкорлик, жумладан, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, болаларда учрайдиган юқумли касалликларнинг олдини олиш, имконияти чекланган болалар учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олади.

(ЎЗА)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабр куни ўзининг давом эттирди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Қонун лойиҳаси ҳақида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари И.Сайдахмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Июлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Жуманов, Томди

Телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекцияси махсус муҳбири М.Обидов, «Новатор» ишлаб чиқариш би-рлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Имом Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раиси З.Мунавваров, «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Шахрисабз тумани ҳокими А.Эрдонаев, «Хонқа» доим маҳсулотлари» очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси К.Хўжамуротов иштирок этди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев томонидан тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов депутатлар олдида сўзга чиқди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбеки-

Конституциявий суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра парламент Б.Мирбобоевни Конституциявий суд раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис К.Исаровни Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, Ш.Ғоиевни Олий суд судьяси этиб сайлади, З.Худойкуловни Олий суд судьяси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси А.Ишметовнинг таклифига кўра депутатлар Ш.Мамадиёровни Олий ҳўжалик суди судьяси этиб сайлади.

Олий Мажлис Инсон ҳўқуқлари бўйича вакилининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида оғбу-дсман С.Рашидова ҳисобот берди. Қарши муҳандислик-иқтисод институти ректори М.Нормуродов, «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмухамедова, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театри етакчи солисти М.Раззоқовнинг чиқишларидан сўнг парламент ушбу ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунинг билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Оролбўйдан мактублар

Хўжайли туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи Ганибой Хўжабергеновни «Хўжайли толаси» очик ҳиссадорлик жамияти раиси Файзулла Саъдуллаев билан суҳбатлашиб турган пайтда учрашди. Оролбўйдаги йирик пахта тозалаш корхонаси раҳбарининг жамғарилган ҳосилдан кўнгли тўқ, Чунки заров кечяо кундуз тўла қувват билан ишлаб турибди.

ИСЛОҲОТ САМАРАСИ одамлар турмуши билан ўлчанади

— 23150 тоннадан ортиқ пахта қабул қилиб олдик, — дейди корхона раҳбари манаунят билан. — 1700 тоннадан зиёд хомашў ишлаб чиқарилди. Дастлабки ҳисоб-чи-тобларга қараганда, тола чи-қиши 33 фоизни ташкил эт-моқда. Сифати стандарт мь-ёрларига тўлиқ мос келади.

— Баҳордаги ёнғинчилик-лар кўп ташвиш келтирди, — дея суҳбатта қўшилади агро-саноат мажмуа раҳбари. — Ерни қадрлаган, зироатчилик касбига меҳр қўйган дехқон-ларимиз табиат қийинчилик-ларини баргаф этиб, дав-латта пахта сотиш шартнома режасини ошириб адо эти-

қўрсатилаяпти. 100 дан ор-тиқ кам таъминланган оила-лар, ногирон ва фахрийлар-га 1,5 миллион сўмлик мод-дий ёрдам ва кишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари берилди.

— Ислохотлар самараси аҳоли турмуш фаровонлиги билан ўлчанади, — дейди «Оздодлик» ширкат хўжалиги раиси Қурбонғўри Сарибое-ев. — Пахтачиликдан келган 115 миллион сўм соф фой-да моддий базани мустаҳ-камлаш, кам даромадли оила-ларга ёрдам қўрсатиш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, мактаб ва тибиёт муассасаларини моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Уч минг тоннадан ортиқ пахта етиштирган «Тошкент» ширкат хўжалигида аъзолар-ни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. 380 нафар ижарачиларга иш ҳақидан ташқари шартномада кўрсатилгандан кўп маҳсулот топ-ширган учун қўшимча му-кофот берилди. Урол Кебе-ренов, Роза Қалиева, Абду-раймон Жумабеков, Тиланг Жуманов каби ижарачилар ортиқча даромаддан чорва моллари, уй-ўзғор мебел-лари сотиб олишни мўлжал-лаб туришибди.

Хўжайлида 2 мингдан ор-тиқ кичик бизнес ва хўсу-сий тадбиркорлик субъекти фаолият қўрсатмоқда. «Барс трейдинг» корхонаси ишлаб чиқараётган конфет-лар мамлакатимиз савдо ташкилотларига жўнатилаяп-ти.

Тумандаги 285 та дехқон-фермер хўжалиги эришган натижалар кишлоқ аҳлида ерга ағалик ҳисси шакла-наётганлиги, янги мулкчи-лик муносабатлари қарор то-паётганлигидан далолат бермоқда. «Қувонч», «Саъ-дулла хожи», «Камол», «То-ҳир-Хусан», «Сотибодди», «Жеткеншек», «Ойдўст» син-гари фермер хўжалиқлари-да ҳосилдорлик тобора ошиб борапти. Зарар кўриб ишлаётган «Оқ олтин», «Қо-рақалпоғистон» сингари бешта ширкат фермерлар уюшмасига айлантирилган-лигидан сўнг ер, сув, ёни-лиги-моиллаш материаллари, минерал ўғитлардан фойда-ланиш самарадорлиги ошди, режалар ортиғи билан ба-жарилди.

И.ХИҚМАТОВ

«ЎЗФАРМСАНОАТ»: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Пойтахтимизда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихти-сослашган «Novorhamta plus» Ўзбекистон-Кипр қўшма кор-хонаси иш бошлади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам беш ярим миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, «Ўзфармсааноат» ДАК ва Кипр-нинг «Kalobria со Limited» компанияси унинг таъсисчи-ларидир.

Корхонага АҚШ, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатларнинг энг илгор фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган техноло-гиялар ўрнатилган.

— Бу ерда тайёрланадиган нисбатан арзон ва сифатли дори- дармонлар замонавий тибиётнинг халқаро андоза-ларига тўла жавоб беради, — дейди қўшма корхона бош директори Ойбек Хўжаев ЎЗА муҳбирига. — Юртимиз аҳоли-сига юрак-қон-томир, нафас йўли, шамоллашга ва зарар-ли микробларга қарши йи-гирма хилдаги препаратлар



етказиб берамиз. Келгусида тайёр маҳсулотлар сонини бир юз эллика етказиш ҳамда экспортга чиқариш мўлжалланаяпти.

Янги корхонада юздан ор-тиқ киши иш билан таъмин-ланди.

(ЎЗА)



2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ

Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши Меҳр ва мурувват йили ҳамда Конституциямизнинг ўн икки йиллиги муносабати билан пахта ҳосилини йиғиб-териб олдида муносиб улуш қўшган меҳнатқашлардан қирқ беш нафарига мамлакатимизнинг энг яхши сийдатгоҳла-рига бепул йўланма берди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан етти мингдан зиёд ишчи-хизматчи санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Ун етти минг бола оромгоҳларда дам олди.

ҲОМИЙ МАДАДИ

Қорақўл туманидаги 12-мактаб «Қувача» кишлоқ фу-қаролар йиғини ҳудудда жойлашган. Унда мингдан зиёд ўқувчи таълим олади.

Бу ерда таълим олаётган болаларга дарслик ва зарур адабиётлар етишмас эди. Республика Бош прокурату-раси мактабга қарийб бир миллион сўмлик яқин дарс-лик ва бадий китоблар соғва қилди.

Мактабнинг 240 ўрнига мўлжалланган янги биноси ҳам прокуратура ҳомийлигида қурилган.

Арзномалар, шикоятлар фуқароларнинг дил розлари, орзу-ар-монлари бўлиб, уларнинг ортида инсонлар тақдири турганини сир эмас. Андижон вилояти Қорасув шахрилик бир гуруҳ нуру-нийларнинг рўзномасига йўллаган мактубида ҳам Учкўприк ма-ҳалласидаги электр энергияси ҳамда тоза ичимлик сув таъминотидаги узилишлар, аммо бунга ҳокимликдаги мутасаддиларнинг лоқайдлиги тилга олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқларида қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўришга оид қарори асосида катта иш-лар амалга оширилаётган бир пайтда коммунал хизмат тизи-мидаги юқоридagi нуқсонлар шаҳар маъмуриларини безовта қилмаётганлиги, очиги, бизни ажаблантирди. Минг-эшитган-дан кўра, бир марта қўрган яхши деганларидек, сафарга отландик.

ХЎЖАСИЗЛИК

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, дейдилар. Шикоят бекорга ёзилмаганли-ги, маҳалла аҳли талаб ва ис-таклар билан ҳокимликни неча бор хабардор қилганликлари, натижа чиқмагач, «Ишонч»га мурожаат этишга мажбур бўлганликлари мулоқотларда маълум бўлди.

Учкўприк маҳалласи шаҳар-даги фуқаролар зич яшайдиган масканлардан бири ҳисоблана-ди. 649 та хўжалик, 939 та оила рўйхатга олинган бўлиб, ҳудудда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 2 минг нафардан кўпрогини хо-тин-кизлар, 400 нафарга яқинини нурунийлар ташкил қилади. Мактаб, болалар боғ-чалари ҳам шу ҳудудда жой-лашган.

«Маҳалла фуқаролар йиғини шароитдан тўла бақардорми?!» Ана шу савол билан йиғин ра-иси Хамрохон Аҳмаджоновага юзланамиз. Аҳоли наонадла-ридаги тоза ичимлик сув тар-моқлари ҳолати ҳақида, афсус-ки, йиғин раиси тайинли жа-воб беролмади. Ҳ. Аҳмаджо-нованинг айтишича, маҳаллада 4 та кўча бор, электр ёриткич-лардан ҳаммаёқ чарогон. Ша-

Мактуб йўлга чорлади

ўрнатилган светофорлар йиллаб ишламаслиги ҳақидаги норози-ликлар юзага чиқди. Албатта, бундай ўзибуларчиликлар жа-рини фуқаролар тортишмоқда. Хусусан, тилга олинган светофор чироқлари носозлигидан чорра-ҳадаги йўл ҳаракати хавфсизли-ги кучайган. Оқибатда чорраҳа яқинидаги 1-мактабнинг бошла-рак синф ўқувчиси автоҳалокат-га йўлиқиб, тан жароҳати олган. Шундан кейин ҳам мутасаддилар

рватта солди. Ажабо, ҳали хайрли ишга киришмай туриб, бутун бошли бир маҳаллани, оилалар-ни ичимлик сувсиз қолдириш, кўчаларни ёритиш, чорраҳадаги пиёдалар ҳамда транспорт ҳара-катини ўзибуларчиликка ташлаб қўйиш мантиққа тўғри келадими?! Енгинадан ўтган марказий сув тармоғига уланиб, маҳаллага, хо-надонларга оби-ҳаёт етказиб бе-риш ишларига от билан туя кет-майди-ку. Чорраҳадаги светофор ёнидан наҳотки бирор электр ли-нияси ўтмаган бўлса! Ёки эрта-лаб, мактабларга ўқувчилар қат-нови кучайганда, ДАН ходимла-ри ҳаракат хавфсизлигини таъ-минласалар ота-оналарнинг кўнгли хотиржам бўлармиди?

Бу қусурларнинг ҳаммаси ас-лида лоқайдлик, хўжасизликдан бошқа нарса эмас. Юртбошимиз халқ депутатлари Фаргона вило-яти Кенгашининг навбатдан таш-қари сессиясида қилган маъру-засида бепарволик, лоқайдлик энг ёмон иллат эканлигини ало-ҳида ўқиргани бежиз эмас. Токи ҳеч бир масала ўз ечимини топ-май қолмасин. Айтганча, ҳоким Дилмуроджон Шерматов ҳузури-да бўлиб, уни шикоят хати маз-муни билан таништирдик. Кўп ўтмай, унинг хонасига шаҳарсоз-лик, Учкўприк маҳалласи фуқа-ролари йиғини, коммунал фой-даланиш бўлими мутасаддилари йиғила бошладилар. Мақсад ма-салалар дахлдор идоралар раҳбар-ларининг хат бўйича ҳисоботини эшитиш, қишки мавсумга тайёр-гарлик юзасидан юқорида тилга олинган ҳукумат қарорининг иж-росини таъминлаш эди.

Ҳечдан кўра кеч ҳам яхши. Аммо шу нарса ҳақиқатки, фуқа-роларнинг ҳақли арзномаларига ўз вақтида эътибор қаратилган-да, шикоят хати ҳам юборилмас, мақола ҳам ёзилмаган бўларди.

ҚОНУНИЙЛИК ВА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда Кон-ституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларида баён этилган инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатта садокат тамойили раи тобора кенг қарор топмоқда. Бу эса демок-ратик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамия-тини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойде-вори бўлиб хизмат қилап-ти.

Ижтимоий ҳаётнинг бар-ча жаҳалларида изчиллик билан ўтказилаётган исло-хотлар аввало фуқаролар-нинг эркинлиги ва консти-туциявий ҳуқуқларини таъ-минлашга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга йўналти-риллаётир.

Ўзбекистон Республи-каси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкам-лаш муаммолари ва про-курор-тергов ходимлари малакасини ошириш мар-казида «Ўзбекистон Рес-публикаси Конституцияси-қонунчилик ва ҳуқуқ-тар-тибот гарови» мавзюда ўтказилган илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз берди.

Марказ директори Э.Абзалов бошқарган тад-бирда Конституциявий суд судьяси Г.Пиржонов, Ҳу-қуқий суд судьяси С.Турсо-нов, Тошкент давлат юри-дик институти профессо-ри Ҳ.Бобоев, Бош проку-ратура бўлим бошлиғи С.Ортиқованинг маъруза-лари тингланди. Халқи-мизнинг иродаси, орзу-истаклари ва маданиятини ўзида акс эттирган Бош Қонунимизда ҳуқуқий де-мократик давлат, адолат-ли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек зўла максади қуришнинг тўла ифодасини топганлиги таъкидланди.

(ЎЗА)

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Наманган

Ижтимоий ҳимоя




ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Яқинда айтиб беришди. Бир раҳбар топшириқни етарли даражада бажармаган ходимини хаддан ташқари қилиб, хатто ишдан бўшатиб юбориш билан пўписа қилибди. Ходим ўша захоти ариза ёзиб, дебди: «Хатога йўл қўйганлигим рост. Лекин сиз раҳбар сифатида нега хомушсан, деб бир марта сўрадингизми? Акам касалхонада ўлим тўшагида ётибди. Сиз бўлсангиз...»

Яқин гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Қўнғил - нозик. Салга тоғдек юксалиб, сал нарсадан тубсиз жарга қулайди. Ҳеч бир одам бировнинг ашигини бекорга тақиллатмайди. Керакли ёрдамни ололмаган, хатто жўяли маслаҳат эшитмаган тақдирда ҳам у ўзига қўрсатилган самимий муомалани унутмайди, яна бир кун сизни йўқлаб келади. Бу сўзлар, табиийки, кенг қўламли иш фаолиятига эга бўлган касабани уюшма етакчилари учун жуда яқин ва эски танишлардек таят қадрлидир.

«Намангантектис» акциядорлик жамияти вилоятдагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Касаба уюшма қўмитаси тарқибда 29 та цех ташкилоти бўлиб, у ўз атрофига 67 та гуруҳни жиловлаётганлигини ўзиёқ акциядорлик жамияти салоҳиятини тасаввур этиш учун етарлидир. Бинобарин, катта бир жамоанинг қувонч ва ташвишлари ҳам шунга яраша. Жамоа бир дастирхон таваригаги йиғилса, икки-уч дошқондаги ош урвоқ бўлмайди. Оздами барака, кўпдами барака деганларидек, режалар ҳам, иш қўлами ҳам, даромаду буромад ҳам шундан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.



Хисобот даврида ишловчиларни ижтимоий ҳимояга олиш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, шу вақт ичида маош олти бараварга ортди, бошқача айтганда, бундан беш йил муқаддам 6200 сўм иш ҳақи олган оддий ишчининг ўртача ойлиги қарийб 37 минг сўмга етди.

Албатта, иш унумдорлиги ўз-ўзидан ортиб қолмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш лари ана шу муҳим омилга жиддий аҳамият бериб келмоқда. Ўтган ҳисобот даври мобайнида 120 га яқин киши йўланмалар билан ўз саломамликларини тиклаб олди. Бунга қўшимча равишда «Вилоятга», «Атлас», «Қўрсарой» дам олиш масканларида даволанганлар ҳам талайгина. Шу йилнинг ўзида ушбу сихатҳохларга 97 та йўланма тарқатилди.

Дарвоқе, ишловчиларни корхона ҳисобидан бепул тибиб кўриқдан ўтказиш жорий этилган бўлиб, бу йил кўрик хулосасига кўра 340 ходим соғломлаштирилди. 46 киши шифохоналарга ётқизилди. 23 кишига сихатҳох ва профилакторийларга йўланма берилди. 17 ходим эса ёнгилоқ ишга ўтказилди.

Бугина эмас. Ишчи-хизматчилар ўз фарзандларининг соғлиғидан ҳам кўнғил хотиржам бўлишлари мумкин. Янгикўрган туманидаги «Камалак» болалар оромгоҳи улар ихтиёрида. 240 ўринга мўлжалланган ушбу масканда замонавий икки қаватли 4 та ётоқхона, соғломлаштириш бўлими, чўмилиш ҳавзаси, спорт ўйингоҳлари мавжуд. Кези келганда ушбу болалар гўшаси ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мамлакатдаги энг яхши оромгоҳ деб топилганлигини таъкидлашни истардим.

Ишчи-хизматчиларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳам имкон қадар қондиришга ҳаракат қилинмоқда. Касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг бевосита аралашуви билан 200 дан ортиқ кишига ер участкаси берилди. Айни вақтда ҳар бир ходим касабани тимсолида ўз яқин кўмакчисини, яхши ҳамқори ва зарур бўлган вақтда ишонган суянчини кўриши учун ҳали кўп юмушларни амалга оширишга тўғри келади. Шу билан бирга бўлиб ўтган ҳисобот-сўйллов йиғилишлари шунинг таъкидлашда, эзгу мақсад йўлида ташланган ҳар бир қадам яхшириб бўлгусидир. Қимирлаган қир ошар, деб шунга айтсалар керак-да.

Инсон хайрли ишлар қилиш учун дунёга келади. Тугал ҳақиқат шунки бунинг тушуниб етган борки, умрини зое ўтказмайди. Ва қандай қасб эгаси бўлишидан қатъи назар, кўнғилга эзгулик уруғини экиб, мевасини барча-барчага илтинад.

ЧЕҲРАНГИЗДАГИ МАМНУНЛИК ШИФОКОР УЧУН МУКОФОТ

Шифокорлик ана шундай олижаноб касблардан бири. Бинобарин, ҳеч қим ҳақим ҳузурига шунчаки, вақт ўтказиш ёки кўнғил ёзиш учун келмайди. Дардига малҳам топмоқ истағида ташриф буюради. Илик муомала ва яхши муолажагина уларнинг кўнғилини равшан қилади, эртанги кунига ишонч уйғотади, қўзига нур, вужудига ҳузур бахш этади.



Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошидаги «Дўстлик» соғломлаштириш масканини вилоятимизда билмайдиган киши йўқ. Қурултойдан-қурултойдан бўлган давр мобайнида 4200 дан зиёд халқ таълими ходимлари ушбу сўлим гўшада дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамладилар.

Бу масканининг ўзига жалб этадиган турмонлари кўп. Ҳуқуқчи ва тарбиячилар турли туманлардан келишади. Ҳар кун қатнашнинг ўзи бўлмайди. Ҳам сармоа, ҳам вақт деганларидек, малол келадиган жойлари ҳам талайгина. Шунинг учун институти қошида саломатлик масканининг очилгани айни мўддао бўлди. Йилдан-йилга унинг чирой очиб, кўрақлашиб бораётгани баробарида қатор қўлайликлар яратиб қўйилганлиги, хусусан, даволаш йўналишларининг тобора кўлайиб, такомиллашганлиги ташриф буюрувчилар сонининг муттасили орттишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, кейинги йилларда фитобар, шифобахш маъданили сув, игна билан даволаш сингари янги хизмат турлари очилди.

Сихатҳохда қарийб 30 нафар малакали шифокор, ҳамшира ва маший хизмат ходимлари кечани кеча, кундузни кундуз де-

май чин дилдан меҳнат қилмоқда. Олий тоифали терапевт А. Турсунқлова, биринчи тоифали иглатерапевт С. Тўйчиева, гинеколог врач Г. Усмонова, шунингдек З. Фасонова, М. Ахророва, Ю. Махдумова, Р. Фаридонова, Х. Муҳитдинова каби ҳамширалар дам олишчилар ташаккурига сазовор бўлишадир.

Даволанувчилар учун барча зарур шaroитлар мўҳайб этилган. Кенг ва ёруғ ошхона, муолажа хоналари ва маънавий бурчаклари талабчан миҳозлар эҳтиёжини имкон қадар қондиради. Ҳатто иссиқ оват ва мева шарбатлари барчага манзур бўлмоқда. Бундай шароитларни яратишда касабани уюшмалари вилоят Кенгаши ва халқ таълими бошқармасининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида 1,5 миллион сўмдан зиёд пул сарфланиб хоналарнинг талаб даражасида таъмирланмишга эришилди. Яқинда 16,5 миллион сўмлик спорт инвентарлари ўрнатилди.

Турли мавзудаги сўхбатлар ва қизиқарли урчушулар зие ахлини мамнун этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқчи ва тарбиячилар ҳам малака ошириб, ҳам даволашчиларни унун нимаики керак бўлса, бари ҳозирга назор қилинмоқда. Уларнинг кўнғилини ҳордиқ чиқариб, ўз оилалари ва жамоалари барига соғсаломат, кўтаринки руҳ билан қайтишларини кўриш биз учун энг катта мукофотдир.

Олимжон ДЕКҚОНОВ, «Дўстлик» сихатҳохи бош шифокори

Болалар - бизнинг келажакимиз

Оила - мактаб - маҳалла. Ана шу учликнинг, агар таъбир жонз бўлса, уйғунлиқдаги тарбиявий соатлари боланинг келажакда ким бўлиб вояга етишини белгилаб беради. Биз бу ҳақда кўп гапиримиз, у ёки бу тарбия масканлари фаолияти нисолида фикр юритиб, гоҳ ютуқлардан қувонсак, гоҳ йўл қўйилган камчилик-нуқсонлардан ёзғирамиз.

Лекин яна бир маскан борки, унинг ҳам ўғил-қиз камолотида ўзига хос ўрни бор. У - болалар оромгоҳларидир. Ҳар йили ёзи соғломлаштиришни кўнғилдагидек ўтказиш учун, касабани уюшмалари кенг қўламли ташкилий ишлари амалга оширади. 2004 йил ҳам бундан мустанно эмас.

Мамнуният билан таъкидлаш мумкин, таъкидланган режага биноан оромгоҳларда давсумга умумий тайёргарлик, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ўз вақтида олиб борилди. Энг муҳими, оромгоҳ бошлиқлари касабани уюшмалари вилоят Кенгаши раёсатида таъкидланиб, педагоглар, тибибёт ва хизмат кўрсатиш ходимлари танлов асосида бирма-бир сўхбатдан ўтказилди. Барча оромгоҳларда телефон алоқаси ишлаб туришига, навбатчи автотранспорт муттасил хизматга шай туришига эришилди. Оромгоҳларда ишловчи барча ходимларга меҳнат хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқлар бериш ва бунинг журналда қайд қилиб бериш йўлга қўйилди. Оромгоҳларнинг барчасида тибибёт хоналари, изоляторлар ташкил этилди, улар бўй ўлчагич, тарозилар, совутигичлар билан жиҳозланди. Таъкидланган рўйхат бўйича барча оромгоҳларга дори-дармонлар етказиб турилди.

Бундан ташқари, «Меҳр ва муруват йили» дастурига мувофиқ ёз мавсумида маҳаллардаги кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларнинг 1010 нафар фарзандларига бепул йўланмалар ажратилди. Кези келганда, касабани уюшмалари ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармасининг биргаликдаги ҳаракати билан «Мидд» ва бошқа оромгоҳларда ички ишлар идораси профилактик ҳисобида турган, камҳарж оилаларда тарбияланаётган вояга етмаган 105 нафар ўсмир, «Еш алоқачи» ва «Тонг» оромгоҳида «Меҳрибонлик уйининг» 65 нафар болалари соғломлаштирилганлигини айтиш лозим.

ДИЛДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ ДИЛЛАРНИ МУНАВВАР ЭТАДИ



Хўжалик ва ташкилотлар кўп болали, ёлғиз ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар йўланмаларига тўланадиган маблағни ўз зиммаларига олди. Натижанда 2649 нафар ёки дам олдирилганларнинг 35,4 фоизи бепул соғломлаштиришдан баҳраманд бўлдилар.

Маълумки, ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Оролбўйи минтақасида казий кутубхоналари, уларнинг шоҳобчалари жадвал асосида бириктириб қўйилди, турли қизиқарли кечалар, кўрғазмалар ташкил этилди. Кинофильмлар намойиши, цирк ва театр артистларининг чиқишлари дам олувчиларда катта таассурот қолдирди.

Болалар - бизнинг келажакимиз. Уларга бугун қўрсатилган меҳр, албатта, эртага ўзимизга ун чандон бўлиб қайтади. Бинобарин, ҳар томонлама етуқ, жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам камолга етган фарзандларини биз бошлаб берган оламшумул ишларни муваффақиятли давом эттиришга кодир.

Татьяна КИТАЕВА, вилоят касабани уюшмалари Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Ҳар кимнинг ўзига яраша режаси бўлади. Нега йилки Наманган тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида сазовор бўлиб ишлаган Татьяна Аюбова ҳам нафақага чиқканда, бири-биридан ширин уй-ҳайллар оғушида эди. Ахир, дархот бир жойда кўклариди, деган нақлга амал қилиб астойил ишлаб келган одам, энди қариллик гаптининг сураман деб турганда шунча арзобозликка мажбур бўлиб ўтирса, юрак-бағри эзилмайдими?!

Т. Аюбова учун нафақага чиқиш чоғида касбдошлари томонидан билдирилган эзгу тиланлар ҳам бир бўлди-ю, аввал ҳис қилмагани ўзгача ифтихор билан ўзига тегишли пулни ҳали-бери ололмаганини билганидан ичидан бир нарсани сезиб тургани ҳам бир бўлди. Албатта, у бу ҳолатга томошабин бўлиб туролмасди. Дархот сабабини сўраб-суриштирди. Тайинли жавоб ололмагач, вилоят касабани уюшмалари Кенгашига ариза билан мурожаат қилди.

Уттиз йилдан ортиқ умрини севган ишга бағишлаб, қариллик нафақасига чиққач оворани сарсон бўлиб қолган онахонинг шикоятини жойида синчиқлаб ўрганилди ва адолат қарор топди. Т. Аюбова билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинганни таъдил қилинганда, собиқ бош ҳисобчи янгида ташкил этилган Норин -

97656 сўм ундириб берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бизни ажаблантирадиган энг қизиқ томони шундаки, жойларда ўзининг бевосита вазифасига зарур даражада масъулият билан ёндашмаётган жавобгар шахслар то юқоридан қимлардир келиб, юзгага келган муаммо юзасида ишлаб келган. Унинг 2004 йил 27 апрелдаги аризати кўра филиал маъмурияти Т.Холиқова билан 1 майдан меҳнат шартномасини бекор қилган.

Аризани ўрганиш чоғида маъмурият томонидан меҳнат қонуни талаблари бузилганлиги ҳолатлари аниқланди. Т.Холиқованинг оилавий шароити оғирлиги, ушбу соҳада кўп йиллар давомига фаолият юритганлиги инобатга олиниб, касабани уюшмаси аралашуви билан у филиалнинг нафақа бўлимига оператор вазифасига ишга олинди.

Вилоят насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси Поп тумани ИҲУ «Дўстлик» И-насоси навбатчи машинисти Тоҳир Фафоровнинг аризаси ҳам жойида ўрганилиб, ижобий қарор топди. Маълум бўлишича, бошқармада 2001 - 2005 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган ва унинг 4-бўлими 4.5 бандида - иш бевуви молиявий ҳолатидан қатъи назар ишловчиларнинг иш ҳақларини ҳар ойнинг 10-кунигага тўлиқ бериши лозимлиги қўрсатилган. Лекин бошқармада жамоа шартномасининг ушбу банди бажарилмай келинган. Шу сабабли навбат-

АРИЗАЧИ Тўла қаноат ҳосил қилди

Наманган ирригация тизими бошқармасига балансдаги мол-мулк ва бухгалтерия ҳужжатларини топширмаганлиги аниқланди. Ва ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўришни сўраб Норин - Сидраб ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига таъдиминома юборилди. Натижанда ташкилотнинг 79 нафар ишчи ва хизматчиларига мўддати ўтган 3661918 сўм иш ҳақлари, шу жумладан аризачи Т. Аюбовага қилиб кетган 46254 сўм иш ҳақи, фойдаланмаган таътиллари учун пуллик компенсация ва нафақага чиқиш олдидан бериладиган бир ойлик маоши миқдоридан нафақа пуллари билан жами

сидан талабномалар кўймагунча белгисизда юравердилар. Ваҳоланки, озгина эътибор ва ўз ишига кўнғил бўлса ади, бундай ортиқча асаббузарлиғи оворачиликларга йўл қўйилмасди. Хусусан, Наманган шаҳар 1-Янгиарик кўчаси 61-уйда яшовчи фуқаро Т. Холиқованинг ишдан ноҳақ бўлиналганлиги тўғрисидаги аризаси мутахассис томонидан ўрганиб чиқилганда, бу масала ечимини бемалол жойида топшиш мумкинлиги аён бўлди. Ҳуқуқчи Т. Холиқова «Наманган почтаси» акциядорлик жамиятининг шаҳар филиалига қарашли 41-сонли алоқа бўлимида бошлиқ вази-

чи машинисти Т. Фафоровнинг 2004 йил 1 апрел ҳолатига етти ойлик иш ҳақи мавжудлиги аниқланди. Миннатдорчилик сўзлари хамиса қалбларини жўнубуга келтиради, уни эзгулик билан лиммо-лим тўқдиради. Мана, Тоҳиржоннинг касабани уюшмаларига ёзган билдиришномасида нималар дейилади: «Мен аризанам натижасидан қонқимдим. Чўчки менга ўз ойлик маошим ҳисобидан 111250 сўм пул беришди. Бунинг учун касабани уюшма ташкилотига ўзим ва оила аъзоларим номидан катта миннатдорчилик билдираман».

Одамлар бекорга вақтлари ва асабларини кетказиб идорама-идора мурожаат қилмайдилар, ариза ёзмайдилар. Ҳар бир хат ортида инсон тақдирини ётибди. Уларга ниҳоятда масъулият билан ёндашиш тақозо этилади. Масалани кечим топилган жойида иш олдига босади, самарали меҳнат учун шарт-шароит яратилади, муҳит яхшиланади.

Қобилжон ХОЛБОВЕВ, вилоят касабани уюшмалари Кенгаши хўкумуноси

Бу ҳақда вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гапирилганди

ЕРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШМАДИ

Наманган азалдан тадбиркорлар, меҳнатсеварлар, ҳунармандлар маскани бўлган. Вилоят ўзининг дейлик, дехқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича республикамизда салмоқли ўринини эгаллайди. Мустақиллик йилларида бу ерда янги қувватлари ишга туширилиб, маданий-маиший иншоотлар барпо этиш, ободончилик борасида кўп яхши ишлар қилинди. Эътиборлиси шунки, ҳозирги кунда қатор қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар чет элларда ҳам харидорларини топиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат, излаш ва ташаббускорликнинг мевасидир. Шубҳасиз, энг катта ютуқ бу одамлар онги-шурридаги ўзгаришлардир.

Бирок, сўнгги йилларда айниқас қишлоқ хўжалигидаги камчиликлар, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик каби иллатлар қиёбатини ўз орқага кетди. Бебаҳо бойлик - ерга лозим даражада муносабатда бўлинмади. Ҳўжасизлар ҳам муносабат Чуст, Косонсой, Янгикўрган туманларида кўпроқ қўзга ташланди. Бу ерлардаги катта майдонларнинг қучли шўрланганлиги ҳам шундан далолат беради.

Вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида булар ҳақида алоҳида таҳлил бораганили беҳиз эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Мингбулоқ

ишлаб, баракали ҳосил етиштириш учун шароит етарли. Масалан, бу йил минерал ўнч ва бошқа моддий ресурслар таъминоти жойида бўлди. Шунда ҳам далада қўтилган ҳосил етиштирилмади. Қизиги шундаки, йиғим-теримга киришиш арафасида мутахассислар абрақация натижалари қайд этилган қўзгаларни курсатиб «ҳосил ҳар қончидан мўл бўлади» деган катта гапирилганди. Биринчи теримдаёқ қўнғина пудратчиларнинг даласида тарақдан ҳосилнинг ўзи қолмаганлиги кўп нарсани аниқлатади. Демак, ишчи таомчил бошқатдан ташкил этиш, илгорлар тажрибасини амалиётга кенг жорий этиш, техникадан унумли фойдаланиш, тежамкорликни қўлайитириш зарур. Президентимиз вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нуқтида шундай деганди: «Бугун барчамизга ёнқи, қишлоқ хўжалигини фақат ва фақат юксак агротехника талаблари ва қондиларига қатъий амал қилиш, фан-техника ютуқларини, илгор тажрибаларини кенг жорий этиш, энг муҳими, барчамизни бондиқитган деҳқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шароит яратиш бериш, унинг меҳнатини ўзи вақтида ва оқилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мумкин. Бунинг бошқа ҳеч қандай воситаси ҳам, чораси ҳам йўқ».

Н. НИЁЗОВ

Биласизми? ОҚИМЛАР ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛАДИ?

Маълумки, одатда, сув пастлик томон оқади. Сув сат- хи текис бўлса оқмайди. Океан ва денгизларда сув са- т- хи асосан текис-ку! У тинч ҳолатга келгандан кейин унга пуфланг, бунда сув маълум йўналишда ҳаракатга келади, бинобарин оқим ҳосил бўлади.

Океан ва денгизларда оқимни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири шамолдир. Бундан ташқари, сувнинг ҳарорати ва шўрлиги ҳамма ерда бир хил эмас. Демак, сув зичлиги ҳам шунга боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Бу ҳам оқим ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Шунингдек, ернинг ўзи атрофида айланаши, қитъа- ларнинг шакли, Ернинг тортилиши ва магнит майдони ҳам денгиз оқимларининг вужудга келишига бирмунча таъсир этади.

Денгиз оқимлари асосан, иккига-илик ва совуқ оқимлар- га бўлинади. Бунда оқимнинг ҳарорати шу оқимнинг атро- фидоги сув ҳароратидан юқори ёки паст бўлишига боғлиқ бўлади. Агар оқим атрофидаги сув совуқроқ бўлса, бундай оқим илик, оқим атрофидаги сув илқроқ бўлса совуқ оқим ҳисобланади.



Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Кўнғирокча» номли мактабгача таълим муассасасида ўнлаб кичкинтойлар тарбияланмоқда. Тўққизта гуруҳга бўлинган ҳажжи ўғил-қизларга малакали тарбиячилар парвона. Энг муҳими, бу ерда кичкин- тойлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.
Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Ажаб савдолар

бўлакларга бўлиб уйингга юборамиз», деб кўрқита бошлади. «Унга тегманг- лар» йиғлаб жавоб қайтар- ди Дигнора ва пулни тўлаша ваъда берди. Бу гапни эшитган Йорге хур- санд бўлди. У мени ҳақиқатан яхши кўради деб ўйлади. Бошқа томондан у ўз қилган ишдан уялди. Дигноранинг овозини эши- тиш учунгина кунига бир неча бор телефон қила бошлади. Бу ҳолатдан ха- бар топган қариндошлар дарров полицияга хабар беришди. «Қароқчи»нинг

МУҲАББАТ СИНОВИ

ёки колумбиялик Йорге Брау қандай қилиб хотинини йўқотди

лан учрашиб юридимикан? Дигнора яна ҳомиладор бўлди ва ўзининг айтишича, бола шубҳасиз эриники. Йорге эса ўз шубҳаларини бошқаролмай қолди. Хотини- нинг севгисини амалда кўриш учун исбот талаб қилишни истарди. Балки хо- тинини синаш учун ўзини СПИД билан касалланган- ман, дейиш керамикан? Ле- кин дарҳол бу фикр четга су- рилди: «Мен касал одамга ўхшайман, ҳеч ким менга ишонмайди». Шундан кейин у ўзининг ўғирлигини мум- кинлиги ҳақида ўйлаб бош- лади. Бу тез-тез учраб тура- диган ҳолат, ҳамма шубҳа- сиз ишонади. Тўлов катта бўлиши керак, шунда аёл эрининг овозиди унинг ни- мани қурбон қила олиши мумкинлиги ойдинлашади.

«Агар у тўласа, демак мени яхши кўради». Билдирмасдан тунги автобус билан 150 км узоқликдаги Медельин ша- ҳрига равона бўлган, бир пан- сионга жойлашиб, ўша ер- дан уйига кўнғирок қилди. Йоргега овоз тақдир қилиш- га жуда уста бўлгани кўл келди. «Эринг бизнинг кўли- мида, — дўқ қилди хотини- га, — бизга уч миллион песо керак, акс ҳолда эрингдан айрилсан». Дигнора шунча пули йўқлигини айтиб йи- глаб юборди. «Пулни қандай топиш ўзингга ҳавола», деди эр. Бир неча соат ўтиб у яна телефондан кўнғирок қилди. «Пулни тўламанг эрингни

талабига биноан пул Western Union орқали тай- ёрлашга етказилиши керак эди. Полициячилар аввал ҳеч бундай ҳолатга дуч келишмаганди: қароқчи ўзи га- ровотидаги асирнинг хотини билан кунига бир неча мар- та гаплашар, пулни ҳам мажбур эмас, тўғридан- тўғри пул ўтказиш йўли бил- лан олмоқчи эди. Хуллас, Йорге аэропортда пулни олмоқчи бўлганга қўлга олинди ва шу заҳоти гуно- хига иқроб бўлди. Саккиз кун ҳибсда сақланган қариндошлар уни пул тўлаб олиб кетишди. Шу заҳоти Йорге хотинидан кечирим сўраш учун унга кўнғирок қилди. Бутун шаҳарга шар- манда бўлган хотин уни эшитишни ҳам хоҳламасди.

Кичкина шаҳарча катта дўзахга айланди, деб изти- роқ нечди. Йорге шу сабаб Медельинда арзиманган иш ҳақи учун ишлашга қўниб қолаверди. Ҳафтада бир неча бор уйга кўнғирок қила- ди, ammo Дигнора бирон марта жавоб бермайдди. У хо- тинининг олдига қандай бо- ришини ҳам билмайдди: «Ўзимни ўлдирсан бўлар- кан».

Медельинда янги муҳаб- батни топиб оила қуриши ҳам мумкин. Лекин у ёлғиз қолиши истарди. «Мен аёл- ларга бошқа ишонмайман».

Немис тилидан
Гулгун СУЛТОНОВА
таржимаси

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Орамиздаги одамлар

— Эгиз чақалоқлар Ойша, Фотима ва Зурчалар туғилга- нига олти ойдан ошди, — дей- ди шифокор мамнунлик бил- лан. — Гудакларнинг аҳолидан хабар олиб турибмиз. Оила- да кизалоқлар сони бештага етди.

Болтабика опа яна бир во-

молоти йўлида астойдил жон куйдиришди. Олий тоифали мутахассислар Хо- сиятхон Раҳмонова, Рўзигул Раззоқова, Сардорбек Қут- лимуродов, Дилором Абдул- лаева, Раъно Маткаримова, Шарифбой Худойберганов, Шукржон Собиров, Мадий- ёр Маткаримов каби ўттизга яқин врачлар нафақат ўза- ларнинг малакали муолажа- лари, балки ширин сўзлари билан ҳам беморлар дарди- га даво топмоқдалар.

Маъмулда 89 нафар тиб- биёт хамширалари хизмат қилишади. Зулайхо ва Тўхтагон Жуманиёзовалар, бош доя Хосият Самандаро- ва, Шоҳида Эгамбердиева, Нуржон Рўзметова, Гулнора Назарова каби зукко ва таж- рибали ходимларнинг самар- али хизмати билан даво- лаш муолажа ишлари яхши- ланиб бораёпти.

Маъмулда ҳар йили уч мингта яқин бола туғилади. Даволаш-профилактика иш- ларининг яхши йўлга қўйил- ганлиги ва репродуктив сано- матикни мустаҳкамлаш соҳа- сида қўрилган чора- тадбирлар туфайли тўғилган оналар ўлими содир бўлма- ди, болалар ўлими кўрсатки- члари кескин камайди.

... Янги фарзанд кўрган аёлнинг қувончи бениҳоя. Чақалоқ «инга»си ҳар бир оилага қувонч ва шодлик ба- гишлайди. Болтабика опа бир-биридан ширин, соғлом ўғил-қизларга меҳр ила бо- қар экан, иш чароқлари унутилиб, калб гурурга тўлади.

И.ИСОМИДДИНОВ

Турфа олам

НОВВОЙГА ҲАЙКАЛ

«Нон» сўзининг келиб чиқиши Греция новвой- лари номи билан боғлиқ. Улар нон тайёрлашда махсус шакли идиш-товолқлардан фойдаланиш- ган. Идиш эса нон маъносини англатувчи «кли- банос» деб аталган.

Франция қироли Генрих IV ўз зиммасига яна бир ном — «нон қироли» деган номни ҳам қўшган эди. Бу билан у ўзининг улуг ҳукмронлигини ва фуқаро- ни билан етарли таъминлаётганини билдирмоқ- чи бўлган.

Қадимги Римда бир неча катта новвойхона очилган. Авлод-аждоди нон ёпиш билан шугул- ланган новвойга икки минг йил муқаддам ёд- горлик қўйилган.

Энг йирик новвойхона Измайловода, подшо са- ройи ихтиёрида бўлган ва «нон саройи» деб ата- лган.

Ҳозирги Греция ва Мисрда ноннинг шифобахшилиги катта аҳамият беришган. Уни ошқозон касалига даъво деб билганлар.

Ҳиндистонда эрамизнинг дастлабки асрларида жи- ноятчиларни маълум вақтгача нон ёйишни таъқи- лаш билан жазолаганлар.



Ресторанга кирган хўранда тўйиб овқатланибди-да, официант ҳисоб-китоб қилишни сўраганда боғия ёзуви кўрсатипти.

— Ҳисоб-китобни чевараларим қилади.

— Худди шундай, сиз учун чевараларингиз тўлайди. Лекин сиз ҳозир катта бувагингиз учун ҳисоб-китоб қилмоғингиз керак.

Бир фермер ҳаётини су- фурта қилдиради-ю, кўп ўтмай чўкиб ўлади.

Бева аёлнинг қўшниси дейди: — Қандай бахт, эрингиз ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмасди-ю, лекин эҳтиёт- кор экан...

— Худого шукрки, у су- зишни ҳам билмасди, — деди бева.

Эр командировкадан қайтган, хотинига никоҳ узу- гини йўқотиб қўйганини ай- ди.

— Тушунолмайман, қан- дай қилиб бармоқдаги узу- гини йўқотиш мумкин? — Ҳаммасига сен айбдор- сан. Ярим йилдан бери сенга айтаман-чўнтагим тешиқ, деб.

ЖИМ ПЛАБАССУМ

— Уғлим бирон чолғу асо- бини ўрганса дегандим. — Унинг мукайиби қоби- лияти борми?

— Ха, албатта. Шамни уч метрдан туриб, пуфлаб ўчира олади.

— Эрга тегадиган куним кўпгина хушторларим учун қайғули кун бўлади.

— Унчалик эмас-ов... Ахир, сен бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ одамга теголмайсан-ку...

Бемор врачга мурожаат қилапти: — Операция учун йиғир- ма минг сўм оласизми? Жуда қиммат-ку?

— Ана, ҳамкасбам кел- япти. У сиздан бир тийин ҳам олмайди.

— Наҳотки? У бепул опе- рация қиладими?

— Ха. Унга одатда бе- морнинг меросхўрлари ҳақ тўлашади.

Бир одам тиши оғриб, докторга борипти. — Кечирасиз, — деди хизматчи ашқини очиб. — Доктор бугун бўлмайди- лар.

— Ростданми? Қандай яхши! Мумкин бўлса яна қайси кунлари бўлмайди- лар, айтиб берсангиз. Мен ўша кунлари келардим.

Бир хотин ҳасис эрининг дастидан онасийкига ке- тиб қолди ва у ерда худо- га илтижо қилди: — Эй худо, қани энди бир миллионернинг хо- тинига айлантириб қўйсанг...

Буни эшитиб онаси гап қўшди: — Бир йўла яхши ният қил, қизим. Миллионер- нинг беваасига айланиб қолай дегин.

Икки дўст гаплашди: — Юз йил сен учун нима?

— О, бир лаҳза холос.


— Юз минг сўм-чи?

— Юз минг сўми? Бир чақа.

— Бўлмаса менга бир чақа бер.

— Бажону дил. Бир лаҳ- за кутиб тур.

Бир ресторон хўжайини «Бу ерда сизнинг чевараларингиз пул тўлайди» деган ёзувини илб қўйипти.



КРОССВОРД

1. Дунё халқларининг тинчлик рамзи, парранда.
2. Маълум бир касб-хунар тартиб-қоидаларига оид қўлланма.
3. Олий табақа футбол жамоаси.
4. Қийма- тини шу заҳоти тўлаб амал- га ошириладиган савдо.
5. Азов денгизига қўйилувчи дарё.
6. Пардоз беришда иш- латиладиган мис сурма чўп.
7. Франциядаги шаҳар, Рона департаментининг маъмурий маркази.
8. «Парвона» драма- си қаҳрамони.
9. Ҳарбий қурол ишлаб чиқариш ашё- си, водороднинг радиоактив изотопи.
10. Воқеа-ҳодиса- лар бўлиб ўтган даврга кўра қайд этилган манба.
11. Азот- ли ўғитлар ишлаб чиқариш- да ишлатиладиган, ўткир хилли рангсиз газ.
12. Евро- па қитъасининг шимолидаги ярим орол.
13. Фарбий ярим шардаги ер юзининг энг узун тоғлиги.
14. Чарх қурилмаси- нинг йиғирлаётган ип ўра- ли борадиган қисми.
15. Ўрта ер денгизига жойлаш- ган, Греция таркибидоги орол.
16. Океанларда со- дир бўладиган ҳалокатли шамол.
17. Ўзбек шоираси.
18. Каучукдан олинадиган санат ашёси.
19. Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи мутахассис.
20. Дунё океани.
21. Ип газла- ма.
22. Усти ёпиқ бозор.
23. Туркманистондаги ша- ҳар.
24. Сунъий ипак ва цел- лофан олишда ишлатиладиган ашё.
25. Чархак йўна- лиши билан шимол томон йўналиши орасидаги бурчак.
26. Даволаш воситалари ва усуллари мажмуи, соҳаси.
27. Алюминий ва металл ок- сиди аралашмасидан иборат кучли ёнувчи кукунсимон модда.
28. Металл арқон.
29. Сўз туркуми.
30. Еғду, эиқ.
31. Эрон пул бирлиги.
32. Узун оёқли парранда.

Энди юқорида таърифла- ри баён этилган сўзлар жа- воблари асосида қуйидаги рақамлар жуфттини (бирин- чиси сўз, иккинчиси харф тартибини англатади) харф- лар билан алмаштириб му- аммомонани ҳал этинг.
3-1; 4-4; 2-4; 10-3; 3-1; 16-1; 16-1; 17-2; 18-5; 20-4; 10-3; 17-2; 1-1; 8-3; 3-1; 25-4; 17-2; 18-5; 17-2.

Улардан ибратли сўз аён бўлади.
Ф. ОРИПОВ тузди

Ойбек номи метро станцияси ёнидаги Жану- бий Корея элчихонаси ва «Ўзбегим» супермаркети оралида жойлашган офис ёки кафега мўлжалланган 289 квадрат метрли бино СОТИЛАДИ
Мурожаат учун тел: 111-37-73

ISHONCH

Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибиат 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида солинди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.